● ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

**Инсон манфаатлари йили бўлмиш 1997 йил юртимиз учун чиндан ҳам хайрли келди. Хусусан, республикамизнинг қонун чиқарувчи олий ҳокимияти истиқлолнинг олти йиллиги тантаналари арафасида қатор бетимсол ҳужжатлар қабул қилдики, улар орасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ўз аҳамияти билан алоҳида ажралиб туради.**

# ОЛИСНИ КЎЗЛАГАН — ОЛАМНИ ҚУЧАР

Сирасини айтганда, ушбу мажмуа ва режага эга бўлиш билан эртанги куннинг баркамол эгаларини тарбиялаш йўлидаги ҳаракатлар учун ҳуқуқий асос яратилди. Умумий, кенг қамровли ва бағоят аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Тошкент давлат техника университети ректорати ва профессор-ўқитувчилари ушбу ҳужжатларни кунт билан ўрганиш асосида ўз имкониятлари даражасида қилинадиган ишларни, хусусан, Миллий дастурнинг биринчи босқичини (1997-2001 йиллар) ҳаётга жорий этишга оид тадбирларни белгилаб олди.

Шуни айтиш жоизки, республикамизда ислоҳот туфайли ягона ва узлуксиз таълим тизими жорий этилади. Бунинг учун эса бизда имконият бор. Ҳатто бу тизимнинг барча босқичини -- мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимни ўзида тўла мужассамлаштира оладиган таълим муассасалари ҳам мавжуд. Давлатимизнинг ана шу соҳадаги сиёсатини амалга оширишда ўзига хос илмий лаборатория ролини бажариб, бу йўналишдаги ҳамма ишларда бошқаларга ибрат кўрсатиши лозим бўлган олий ўқув юрти, назаримда, университетлардир. Шу боис университетимизнинг кенг кўламли режа ва тадбирлари таълим тизимининг барча босқичларини намоён этишга, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашга йўналтирилган. Жумладан, бошланғич босқични ҳам қамраб олиш мақсадида ўз болалар боғчамиз ҳам бўлади. Ҳозир бу борада ташкилий ишлар олиб борилаяпти, олти ёшли кичкинтойларни мактабга тайёрлаш бўйича икки йилга мўлжалланган таълим дастури тайёрланмоқда.

Университет қошида ташкил этилган гимназия икки йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда ўқув жараёни 9-синф ҳажмида умумий таълим дастури бўйича ташкил этилган. Бугунги талаблардан келиб чиқиб, гимназияда қўшимча равишда чет тиллар, информатика ва мусиқа дарсларини ҳам ўқитиш мўлжалланмоқда.

Маълумки, ўрта таълимнинг кейинги босқичи ўрта махсус таълимни (10-12-синфлар) ўз ичига олади. Университетимизда ташкил этилган республика миллий лицей-интернатида ҳозирги кунда дарс машғулотлари 9-11 синфларда олиб борилмоқда. Миллий дастурда академик лицейлар олдига қўйилган талабларга бу илм даргоҳи тўла жавоб беради, деб айтишга ҳақлимиз. Лицей-интернат битирувчиларининг 95-98 фоизи тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртларига ўқишга кираётганлиги ҳам бежиз эмас. Лицей-интернатга академик лицей мақоми бериб, таҳсил кўраётганлар сонини икки баравар кўпайтириш таълим борасидаги вазифаларни ҳал этишга қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади.

Ўзимизнинг лаборатория ва бошқа моддий базамиз ҳамда маънавий имкониятларимиздан фойдаланган ҳолда университетимиз қошида касб-ҳунар коллежи ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Таълим олувчиларга унда токарлик, чилангарлик, сантехниклик, электр ва газ пайвандловчилик, совутгич ва компрессор машиналарини таъмирловчилик, электромонтёрлик, ЭҲМ операторлари, қўйинг-ки, 20 дан ортиқ касб-ҳунар ўргатиш мумкин. Шарт-шароит ва мавжуд ўқитувчи кадрлар коллежда жами 900 ўқувчини ўқитиш ва касб-ҳунар ўргатишга имкон беради.

Таълим ислоҳотида кўп нарса ўқитувчига боғлиқ. Шу сабабли ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Зотан моддий база қанчалик пухта бўлмасин, замон талабига тўла жавоб берадиган, Қонун ва Миллий дастур моҳиятини чуқур англаб етган ўқитувчилар бўлмас экан, ислоҳот натижалари кўнгилдагидек бўлмайди. Шуни инобатга олиб, университетимиз қошидаги олий муҳандислик-педагогика малака ошириш институтининг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириб, унинг фаолиятида университет кафедраларининг иштирокини кучайтириш, институт раҳбарига эса проректор мақомини бериш тўғри бўларди. Зеро, малака оширишга келган мутахассис университетнинг энг замонавий жиҳозланган лаборатория ва кафедраларида малака ошириши, қайта тайёргарликдан ўтиши, пировард натижада истиқбол эгаларининг билим ва касб-ҳунар таълимига ижобий таъсир этади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, бу ерда махсус фанларгина эмас, балки математика, физика, кимё, информатика, чизмачилик ва бошқа фундаментал фанлар бўйича ҳам ўқитувчилар малака оширадиган бўлсин.

Асосий ишимиз -- олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жабҳасида ҳам ўзгаришлар олдида турибмиз. Таянч олий таълимни таъминловчи бакалаврлар йўналишлар бўйича тайёрланади. Камида тўрт йил таҳсил кўриш асосида талаба гуманитар, фундаментал ва умуммуҳандислик фанлари қатори йўналиш бўйича умумий мутахассислик фанларини ҳам ўрганади. Ана шу босқич таълимини янада пухтароқ йўлга қўйиш юзасидан изланиш олиб бориш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим магистратура босқичида олинади. Бакалаврликни «яхши» ва «аъло» кўрсаткичлар билан тамомлаган, илмий-педагогик ва раҳбарлик ишларига иқтидорли ёшлар таълимни ўқиш муддати икки йил давом этадиган магистратурада давом эттирадилар.

Шу йўналишда ёшлар билан ишлаш бўйича бизда муайян тажриба тўпланган. Талабаларимизнинг 10-12 фоизи «аъло», 20-22 фоизи эса «аъло» ҳамда «яхши» рейтинг кўрсаткичларига эга. Бундай кўрсаткичлар эса магистрлик учун ўқишни давом эттириш ҳуқуқи ва имконини беради. 1997 йилда «Умид» жамғармаси бўйича танлов натижаларига кўра, саккиз нафар талабамиз магистрлик мартабасига эришиш учун чет эл университетларига ўқишга йўлланма олди. Тошкент давлат техника университетининг етук кафедралари шундай мутахассислар тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Таълимнинг галдаги босқичи -- аспирантура ва докторантура бўйича бизда бўлимлар мавжуд бўлиб, республикамизнинг олий ўқув юртлари учун педагоглар ва илмий-тадқиқот муассасаларига илмий ходимлар етиштириб беришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айни шу кунларда бизда кундузги ва сиртқи бўлимларда 200 га яқин аспирант ва йигирмага яқин докторант борлигини айтиш кифоя.

Иқтисодиёт соҳасидаги янгича сиёсатга асосланган контракт асосида ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилганидан сўнг олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси ижобий ўзгаришлар сари юзланди. Бюджетдан ташқари маблағлар, энг аввало, ўқув жараёни учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланмалари, лаборатория жиҳозлари ва компьютерлар олишга сарфланмоқда, ўқув биноларини таъмирлаш ҳамда профессор-ўқитувчиларни рағбатлантиришга йўналтирилмоқда.

Таълим соҳасидаги халқаро алоқаларнинг кучайиб ва кўлами кенгайиб бораётганлиги ҳам олий таълимни ислоҳ қилишда муайян аҳамиятга эга. Жаҳоннинг етакчи университетлари, хусусан, Сан-Диего (АҚШ), Сорбонна (Франция), Берлин, Гамбург-Гарбург ва Фрайбург ( Германия), Пекин (Хитой), Отатурк ва Мармара (Туркия) университетлари билан ўқув, илмий ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли шартномалар асосида иш олиб борилмоқда. Университетимиз қошида дунёга машҳур «Сименс» фирмасининг илмий маркази, Малайзия билан ҳамкорликда эса қўшма Бизнес-бошқарув факультети, шунингдек, КОФЮТИС (Франция-Ўзбекистон) илмий маркази ташкил этилган. Келгусида бундай қўшма факультет ва марказлар янада кўпаяди. Илмий сафарлар, профессор-ўқитувчи кадрларни ўзаро алмашиш ва бошқа йўсиндаги мулоқотлар ҳам ўз самарасини бериши маълум.

Мустақилликнинг илк йилидаёқ Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонч билдирган йўлбошчимиз янги жамиятнинг асосини меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила ташкил этади, деб айтганди. Шу мақсадда янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ғоят зарур вазифа эди. Мана, халқларимизнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, интеллектуал мероси, маънавий тажрибаси, умумбашарий қадриятлар асосида, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш юзасидан ҳуқуқий асос яратилди ва ҳаракат дастури қабул қилинди.

Ҳассос шоиримиз Эркин Воҳидов, даҳо деганда замон тафаккуридан илгарилаб кетган, даврни, оммани олға ҳаракат қилдирувчи ақлни тушуниш керак, дея изоҳ берар экан, «Қуллуқ қил, демасман, Юрт тупроғин ўп, Унга қуллар эмас, фидолар керак. Унинг сену мендек шоирлари кўп, Буюк элга энди даҳолар керак», -- деб айтган эди. Янги Қонун ва Миллий дастурга асосланган таълим, бизнингча, ана шундай даҳоларни етиштиришнинг бебаҳо кафолатидир.

**Т. МИРКОМИЛОВ,**
**Тошкент давлат техника университетининг ректори, академик.**

---

● *ЎЗБЕКИСТОН - ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА*

# КЎРГАН БОШҚА, ЭШИТГАН БОШҚА

**Ҳаётий ҚЎРҚМАС,**
**Бурса Миллат вакили (Туркия)**

- Мен Ўзбекистон ҳақида бирмунча тасаввурга эга эдим. Аммо бу юртга келишим, мамлакатингиз билан бахоли қудрат танишишим кўп нарса берди. Менинг Ўзбекистон ҳақида билганим денгиздан томчи экан. Айтишади-ку, кўрган бошқа, эшитган бошқа.

Мен юртингиз бугуннинг ўзидаёқ юксак маданий ва иқтисодий тараққиётнинг ойдин йўлига чиққанлигининг гувоҳи бўлдим. Пойтахтингиз Тошкент гўзал ва сўлим шаҳар экан. Бу ерда йирик халқаро анжуманлар, конференцияларнинг бот-бот ўтказилиб туриши ҳақида эшитган эдим. Мана, ўзим ҳам гувоҳи бўлдим.

Бурса шаҳри қонун чиқарувчи органи аъзоси сифатида, табиийки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти билан қизиқдим, танишдим, ноиблар билан суҳбатлашдим. Туркия билан мамлакатингиз ўртасидаги ўзгаришларни муқояса қилдим. Бизлар Камол Отатурк раҳнамолигида бошлаган ислоҳотларни ҳозирга қадар давом эттираётирмиз. Ўзбекистон эса қисқа фурсат, яъни олти йил ичида улкан муваффақиятларга эришди. Парламентингиз томонидан қабул қилинган Омбудсман, «Таълим тўғрисидаги» Қонун, Миллий дастурлар Ўзбекистонни демократлаштириш, таълим тизимини ислоҳ этиш ҳамда инсон ҳуқуқлари борасида қилинаётган ишлар салмоғини кўрсатади. Албатта, ислоҳотлар жараёнида камчиликлар бўлиши табиий. Чунки демократик давлатни қуриш бир кунлик, бир ойлик ёхуд бир йиллик иш эмас. Мана бизнинг мамлакатимизда, ҳатто ривожланган Ғарб давлатларида ҳам демократиянинг «туби»га етдик, дея айтишолмайди. Демократиялаштириш жараёни бу тўхтовсиз оқимдай гап.

Энди юртингизнинг маданий салоҳияти хусусида тўхталсам. Ўтган йилларда биз, туркий тилли халқларнинг ҳам фахри бўлмиш Улуғбек, соҳибқирон Амир Темурларнинг юбилейлари тантаналари овозаси Туркияда ҳам янгради. Мамлакатимиздан юксак мартабали раҳбарларнинг Самарқанддаги тантаналарда иштирок этганлигини мамлакатимиз телевиденцеси орқали кўргандим. Кўриниб турибдики, бугунги Ўзбекистон ҳам иқтисодда, ҳам маданиятда залворли ишларни амалга ошираётир. Мен ўзининг қадимий бой меросига эга ва улкан салоҳиятли инсонлари кўп ўзбек халқининг келажагининг буюк бўлишига ишонаман. Чунки мамлакатингизда истиқлолни юрагидан ҳис этадиган, тарихидан фахр туйгувчи ва жаҳон андозалари даражасида фикр юритгувчи авлод шаклланмоқда.

Ўзбекистон ўз тараққиёт моделига эга. Бу эса қардошларимизнинг нафақат Осиёда, балки бутун дунёда аста-секинлик билан мустаҳкам ўрин эгаллаш имконини берур. Бунга мен бир хориж фуқароси сифатида, шу юрт тупроғига қадам қўйиб, тўла амин бўлдим.

**Б. ҲУСАНБОЕВ**
**ёзиб олди.**

---

# АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

---

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

---

● *«ХАЛҚ СЎЗИ»ДА БОСИЛГАЧ...*

# «БУГУННИНГ БОЗОРИ»

**(1997 ЙИЛ 23 ОКТЯБРЬ)**

Юқоридаги мақола уюшма бошқарувининг бозор акционерлик жамиятлари раислари иштирокида ва «Эски-Жўва», «Миробод», «Фарҳод» ва «Олой» бозорлари акционерлик жамиятлари жамоаларининг ишлаб чиқариш мажлисларида атрофлича ўрганиб чиқилди. Унда келтириб ўтилган камчиликлар мавжудлиги эътироф этилиб, ҳар бир акционерлик жамиятида уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Ўзига бириктирилган шохобчада ва савдо расталарида савдо ва озодалик тартибини таъмин этмаганлиги учун «Миробод» бозори акционерлик жамиятининг «Фарғона» бозори шохобча мудири М. Юсупов, назоратчи А. Жўраевлар ўз вазифаларидан озод қилинди.

«Эски-Жўва» бозорида гўшт билан савдо қилувчилар учун 200 ўринли янги раста ишга туширилди, қўшимча 50 савдо пештахтаси ўрнатилди. «Олой» ва «Фарҳод» бозорларида полиз маҳсулотлари сотиш жойлари тартибга солинди. Тарози муаммосини ҳал қилиш юзасидан «Ўздавстандарт»нинг Тошкент шаҳар бошқармаси билан биргаликда тегишли чоралар кўрилмоқда.

**Ф. НУРАЛИЕВ,**
**«Тошбозорсавдо» уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи.**

---

# МАНЗИЛЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА ХОРАЗМНИНГ КАРВОНЛАРИ

**Вилоят пахтакорлари ва ғаллакорларидан сўнг шоликорлари ҳам катта ютуқни қўлга киритдилар**



*СУРАТДА: Хонқа тумани ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги илғор комбайнчи Хурсанбой Воисов.*
**Қ. ОТАЕВ тасвири.**

Вилоятда давлатга шоли сотиш шартномавий режаси мамлакатимизда биринчилар қатори адо этилди. Бу йил жами 40 минг гектар майдонда шоли ўстирган воҳа деҳқонлари ҳозиргача мамлакат омборларига 86 минг тоннадан зиёд юқори навли ҳосил етказиб бердилар.

Шоли етиштиришда жаҳон андозаларига мос деҳқончилик усул ва услублари кенг қўлланилаётганлиги, истиқболли навларга катта йўл очилаётганлиги туфайли манфаатдорлик ва ер-мулк эгалиги туйғулари ютуқлар омилига айланмоқда. Шулар боис бу йил воҳада рўй берган сув танқислиги оқибатлари ҳам бартараф этилди. Натижада хўжаликлар билан шартнома тузган 28 минг нафар ижарачи ва пудратчининг 24 мингдан зиёди, шунингдек, Шовот, Гурлан, Боғот, Хива, Янгиариқ. Хонқа туманлари, Дўстлик ва Урганч шаҳарлари қарамоғидаги хўжаликлар шартнома мажбуриятларини анча барвақт уддаладилар. Деҳқончиликнинг илғор усулларини дадилона жорий этган ўнларча жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 55 центнер ва ундан ҳам зиёдни ташкил этди. Замонавий «Кейс» ва «Класс» комбайнлари ҳосилни тез ва соз ўриб-янчиб олишда деҳқонларга яқин мададкор бўлди. Айни пайтда келгуси деҳқончилик йили учун 14 минг тоннадан зиёд сара навли уруғлик ҳам тайёрлаб қўйилди. Уруғлик жамғариш иши давом этмоқда.

Режани уддалаган деҳқонлар ҳозир аҳоли ва хўжаликларнинг ўз эҳтиёжи учун қўшимча ҳосил тайёрлашни қизғин давом эттираяптилар. Ишчи кучлари, машина ва механизмлардан унумли фойдаланилаяпди. Қолган барча ҳосил яқин кунлар ичида тўла янчилиб, хирмонларга жойланади.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# «ҚИРМИЗИ БОШОҚ» МЎЛ БЎЛДИ

Хоразмда шоличилик ҳам деҳқончиликнинг асосий турларидан. Республикамизда тайёрланаётган шолининг катта қисми, шунингдек, энг сифатли ва тўйимли гуручни ҳам Хоразм вилояти етказиб беради. Аммо шоликорлар учун бу йилнинг йўриғи ўзгача бўлди. Пахтакор, ғаллакор, деҳқончиликнинг бошқа жабҳаларида тер тўкаётган деҳқонга «хазина» инъом этган табиат баҳор ва ёз ойларида шоликор-заҳматкашлардан саховатини қизғанди. Биласизки, шоли ғўза ва бошқа экинларга қараганда сувни 3-4 баробар кўп талаб этади. Бу йил бутун баҳор ва ёз ойлари воҳада оқар сув тақчиллиги ҳукм сурди. Уруғ қадалган ва ундириб олинган 40 минг гектардан зиёд майдондаги шоли ниҳоллари деҳқон ва мироблар тадбиркорлиги туфайлигина омон асраб қолинди. Уларнинг таклифига кўра, воҳанинг йирик кўл ва коллекторларига 270 дан зиёд сув насослари ўрнатилди. Дарё ва коллектор сувлари далаларга аралаштириб оқизилди, сув танқислиги шу тадбир туфайли бартараф этилди ва барча далалардаги экинлар меъёрида ривожланди. Кузнинг илиқ келиши эса заҳматкаш деҳқон учун энг яхши мукофот бўлди. Ҳосил барча жойда тўла пишиб етилди. Шу боис аввалги мўлжалларимиз ҳам ўзгарди. Деҳқонлар хирмон салмоғини анча оширишни кўзлаб меҳнат қилишди ва муродга етишди. Шуни ҳам айтиш жоизки, бу йил биз деҳқончилик манфаатларимизни назарда тутиб, шоли майдонларини бир неча минг гектарга қисқартирдик. Бу тадбир оқибатида шолининг ялпи ҳосилига путур етмаслиги кўзда тутилди. Шолизорлар учун нисбатан ҳосилдор ва қулай ерлар танлангани ниятимизнинг ижобий ечимини таъминлаяпти. Ҳосилдорлик ўтган йили гектарига 38 центнерни ташкил этган бўлса, бу йил 43 центнерга тўғри келаяпти. Тажрибага таяниб, бу сингари ҳосилдорлик тадбирларини келгусида яна давом эттирамиз.



Хоразмда ҳосилдорлик ва самарадорликни оширишга қаратилган бошқа ибратли тажрибалар ҳам кўп. Мана, икки йилдирки, вилоятда шолини кўчатлаб экиш тажрибаси қўлланилаяпти. Бунинг ибратли жиҳати шуки, май ойининг охирларида махсус кўчатхоналарда ундирилган ниҳоллар июнь ойининг охири ва июлнинг бошларида буғдойи ёки бошқа эртапишар экинлари йиғиб-териб олинган далаларга кўчириб ўтқазилади. Натижада вақтдан ютилади, буғдой об-ҳаво ва бошқа сабабларга кўра анча кеч ўриб олинса-да, кўчатхоналарда ривожланган ҳолда кўчириб ўтқазилган шоли кузда эрта етилади, ҳосил мўл ва сифатли бўлади. Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Кувоқов раҳбарлик қилаётган Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги шоликорлари бу сersamара тажрибани ўтган йили вилоятда биринчи бўлиб қўллаган эдилар. Дастлабки йили 10, ушбу йил эса 55 гектар майдонга кўчатлаб шоли экилди. Оддий далалар гектарига 50 центнергача ҳосил берган бўлса, кўчатлаб экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 60 центнергача шоли йиғиб олинди. Мазкур хўжалик далаларида шолини ўзи кўчатлаб экадиган дастлабки машиналар пайдо бўлди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов яқинда мазкур хўжаликда бўлиб, шоликорлар қўл меҳнатини енгиллатишга қарата қатор таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Ҳозир вилоятимиз раҳбарияти Президентимизнинг ушбу таклифини барча хўжаликларда рўёбга чиқариш чора-тадбирларини кўраяпти.

Шоличилик бўйича «Хоразм тажрибаси»нинг яна бир ибратли қирраси ҳам мавжудки, у қум-саҳро шароитида ҳосил етиштиришни кўзда тутади. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Воҳада ер заҳиралари ниҳоятда чекланган. Аҳоли эса тез кўпаймоқда. Ўта сувталаб экин — шолини Қорақум бағри ва этакларидан ўзлаштирилган янги ерларда ўстириш тажрибаси 20 йилча муқаддам ҳаётнинг ана шу талаб-тақозоси билан туғилганди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бу тажриба бутун вилоятга ёйилди. Ҳозир вилоят бўйича етиштирилаётган шоли ҳосилининг 25 фоизидан зиёдини собиқ қум-саҳролар ўрнида таркиб топган ихтисослашган дончилик хўжаликлари бераяпти.

Кейинги йилларда еримиз ва иқлимимизга мос бўлган «Аланга», «Гулзор» сингари навлар деҳқончилигимизга кириб келди. Шоликорлар минтақанинг нисбатан қисқа ёзида тез етилувчи «Нукус-2» навини далаларга иккиламчи экин сифатида экишса, «Авангард», «Гулзор», «Аланга» сингари навларни ҳосилдорлик манбаи, деб билишади. Истиқболли ҳисобланган «Гулзор», «Аланга» навлари яқин келажакда шоличилигимиз равнағини таъминловчи муҳим омилга айланиши, шак-шубҳасиз.

Шуни ҳам айтиш зарурки, воҳа «қирмизи бошоқ» ижодкорлари шартнома асосида давлатга топширган ҳосил етиштирилган ялпи шолининг бир қисми, холос. Мавжуд имкониятлар шолининг жами салмоғи 165 минг тоннага етишидан далолат бераяпти. Бундай миқдордаги хирмон, бир томондан, давлатимиз заҳирасини бойитиб, халқимиз дастурхонига ризқ-рўз бўлиб тўкилса, иккинчи тарафдан, ҳосил учун тер тўккан қишлоқ меҳнаткашлари ва уларнинг оилалари моддий турмушини тўкин этиш имконини беради. Олинаётган мўл даромаднинг каттагина қисми ҳазрати деҳқон меҳнатини тақдирлаш, рағбатлантириш ва мукофотлашга йўналтирилади. Шу йўлда манфаат топган, ер-мулк соҳибига айланган деҳқон янги ютуқлар, марралар сари интилиши ўз-ўзидан аён. Шуни назарда тутсак, деҳқон олдидаги бурчимиз, вазифа ва масъулиятимиз кўламлари яққол намоён бўлади. Энг муҳим вазифаларнинг бири — деҳқон оғирини енгил, мушкулини осон этишдан иборат. Хусусан, шоликорларга келганда уларнинг оғир ва машаққатли меҳнатини доимо назарда тутмоғимиз керак. Худди пахтачилик ёки чорвачиликдаги сингари шоликорлик юмушларини ҳам бемалол уддаловчи махсус машина ва механизмларнинг яратилиши деҳқон учун энг яхши совғага айланган бўлурди.

**К. ОРТИҚОВ,**
**вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.**

